Гос. книжная палата УзССР
12 ОКТ 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 218 (18.994). ● Шанба, 22 сентябрь 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

# Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКОнинг Финляндия телетомошабинларига МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар ва қўшнилар!

Бундан қирқ йил муқаддам, 1944 йил сентябрь кунларида Финляндия билан яраш тўғрисидаги битим имзоланган эди. Мамлакатларимизнинг халқлари тинчлик ва яхши қўшничилик йўлига ўтиб олдилар. Совет давлати Финляндиянинг давлат мустақиллигини таниш тўғрисидаги ленинча декретдан бошлаб ана шу йўлни изчил қўллаб-қувватлаб келди.

Биз ҳозирги кунда дўстлик, ўзаро ишонч, самарали ҳамкорлик Совет—Финляндия муносабатларининг моҳияти бўлиб қолди, деб айта оламиз. Жаҳон сиёсий муҳитидаги ўзгаришлар бу муносабатларга таъсир қилмади ва қилмайди ҳам.

Бунинг боиси нима? Бунинг боиси шуки, турли ижтимоий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатининг ҳамма афзалликлари яхши қўшничилик муносабатларимизда ўз ифодасини топди. Биз ўзаро муносабатларимизни узоқ даврга мўлжалланган принципиал, мустаҳкам омилларга асосланиб қурдик. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1984 йилда тузилган шартнома яхши шерикчилигимизни мустаҳкам гарантиялайди. Биз яқинда бу шартнома муддатини кейинги минг йиллик бошигача яна узайтирдик.

Ҳар икки мамлакат давлат раҳбарларининг сиёсий ҳамжиҳатлиги, Совет ва Финляндия халқлари қўллаб-қувватлаган дўстлик йўли ҳам шундай мустаҳкам гарантиялар бўлиб хизмат қилади.

Совет Иттифоқида мамлакатимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бизда айтилганидек, Финляндия ташқи сиёсий йўлининг марказий элементи бўлиб қолганлигини ҳурмат билан тилга оладилар. Бу йўлни президентлардан Паасикиви, Кекконен, ҳозирги пайтда эса президент Койвисто каби атоқли давлат арбоблари белгилаб бердилар.

Совет Иттифоқи мамлакатингиз билан яхши қўшничилик сиёсатини изчил ва доим ўтказаверади, деб сизларни ишонтира оламан. Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин бизга шу йўлни васият қилиб қолдирган эди.

Биз 40 йил илгари тузилган «Финляндия—Совет Иттифоқи» жамияти муштарак ишимизга қўшаётган ҳиссани ғоят қадрлаймиз. Унинг фаолияти, шунингдек «СССР — Финляндия» жамиятининг иши ҳам энг муҳим вазифани ҳал этишга ёрдам беради. Бу вазифа шундан иборатки, урушдан кейин туғилган янги авлодлар Совет—Финляндия яхши қўшничилик муносабатларига асос солган кишиларнинг ишини англаб, зўр ғайрат билан давом эттиришлари керак.

Биз сизлар билан биргаликда дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бебаҳо бойлигини тўпладик. Мамлакатларимиз кўп йиллик иш, ҳалол ва тенг ҳуқуқли мулоқот давомида биргаликда вужудга келтирган ана шу бойлик бундан буён ҳам кўпаяверсин. Барча давлатлар ўртасидаги муносабатлар шу руҳда ўрнатилганида жаҳон ҳамжамияти кўп жиҳатдан ютиб чиққан бўлур эди. Мен бунга аминман.

Азиз дўстлар! Тарихий Умумевропа кенгаши ишлаб турган кунларда меҳмондўст мамлакатингизда бўлган эдим. Ана шу қисқа кунларда ҳам мен финларнинг мамлакатимизга нисбатан самимийлигини ҳис этдим. Сизларни ишонтириб айтаманки, совет кишилари Финляндияга нисбатан худди шундай туйғуларини изҳор қиладилар.

Яхши қўшнимиз — Финляндия халқига чин кўнглимдан тинчлик ва фароғат, муваффақият ва бахт тилайман.

# М. КОЙВИСТОНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

1944 йилнинг кузида оғир уруш йилларидан кейин тинчлик бошланганлиги финларга яхши келажак, нормал ҳаётга ва кундалик меҳнатга қайтиш учун янги умид бахш этди. 19 сентябрда яраш тўғрисида битим тузилиши билан Финляндия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги давлат муносабатларини ҳамда халқларимиз ўртасидаги муносабатларни яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч негизида қуриш учун шарт-шароитлар яратилди. Битим туфайли дўстлик ва ҳамкорлик даврига ўтилди. Битимнинг тузилиши бутун йўлнинг доимий асосда икки томонлама муносабатларимизда ижобий ривожланиш сари йўналишдаги тарихий бурилиш нуқтаси ва ўзгариши бўлди.

Бундан 40 йил муқаддам кузда Финляндия янги ташқи сиёсий йўлдан бора бошлади, президент Ю. К. Паасикиви ўзининг давлат фаолиятида шу йўлни изчиллик билан амалга оширди. Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида босқичма-босқич ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳити вужудга кела бошлади. 1948 йилда бундай ривожланиш мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг тузилиши билан мустаҳкамланди. Ўзининг тарихий қиммати ва доимий аҳамиятини исботлаган бу ҳужжат бизнинг муносабатларимизни ҳал қилувчи тарзда янги ўзанга буриб юбордики, бу ҳол ҳар иккала мамлакат ва халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Вақт ўтиши билан бундай қарорнинг донолиги яна ҳам равшанроқ бўлиб қолди. Шартноманинг амал қилиш муддати унинг мазмунини ўзгартирмай, ҳозирдаёқ уч марта узайтирилди. Шартнома муносабатларимизни то келгуси минг йиллик бошлангунига қадар барқарор ривожлантиришни белгилаб беради.

Президент Паасикиви бир вақтлар бутун миллатнинг ташқи сиёсий йўли сифатида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч сиёсатини идрок этиш учун зарур бўлган ўша таг-заминли ишга бошчилик қилган эди. Унинг издоши президент У. К. Кекконен ўз куч-ғайратларини Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни муттасил ривожлантиришга, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратди. Яраш тўғрисидаги битим имзоланганлигининг 40 йиллигида ҳурматли ўтмишдошларим фаолиятининг қиммати ва аҳамиятини қайд этиб ўтиш учун тўла асос бор. «Паасикиви — Кекконен ташқи сиёсий йўли» номи билан машҳур бўлган ташқи сиёсий йўлни давом эттириш ва мустаҳкамлаш Финляндиянинг давлат раҳбари сифатида менинг энг муҳим вазифам ҳисобланади.

Йиллар ўтиши билан Финляндиянинг тобора кенг жамоат доиралари Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасида савдо-сотиқ, экономика, илм-фан, маданият ва ижтимоий ҳамкорлик соҳасида ҳам, шунингдек бошқа кўпгина соҳаларда ҳам ўзаро мулоқот ва ҳамкорликка актив қўшилдилар. Финляндия давлат маъмурлари ва бутун халқининг мадади бу ҳамкорлик қатнашчиларини рағбатлантирувчи омилдир.

«Финляндия—Совет Иттифоқи» дўстлик жамияти Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдан фин гражданлари жуда манфаатдор эканликларини кўрсатувчи яхши мисолдир. Бу жамият яраш тўғрисидаги битим тузилгандан кейин тез орада ташкил этилган эди, бинобарин, унинг фаолиятига ҳам 40 йил тўлади. Шу муносабат билан яраш тўғрисидаги битим тузилгандан кейинги даврда жамият аҳоли ўртасида олиб борган иш Финляндия—Совет муносабатларини ижобий ривожлантириш учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини ҳурмат билан эслатиб ўтиш жоиздир. Давлат маъмурлари дўстлик жамиятининг олижаноб фаолиятида унга доимо тўла мадад беришлари керак.

Давлатлараро муносабатларда 40 йил тинч-тотув яшаш, ўзаро ишонч ва дўстлик анча узоқ вақтдир. Мустақил Финляндия тарихида бу давр унинг кўп қисмини олади. Дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончга асосланган муносабатларимиз турли ижтимоий системалардаги мамлакатлар ҳамкорлигининг ажойиб намунасидир. Финляндия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ижобий ривожлантиришда эришилган натижалар бу муносабатларни келгусида ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш учун яхши шарт-шароитлар ҳамда мустаҳкам негиз яратади.

# КРЕМЛДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Р. Родригесни 20 сентябрь куни қабул қилди.

Қардошларча дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида Совет Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари хусусида фикрлашиб олинди. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар ҳам тилга олинди.

(ТАСС).

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

# Муносиб ўринбосарларни тарбиялайлик

**21 сентябрь куни Ўзбекистоннинг меҳнат коллективларида «Ёшлар — мамлакат келажаги» мавзусига бағишланиб ўтказилган навбатдаги сиёсий кун қатнашчилари ёш авлодни тарбиялашга оид ишларни янада яхшилаш ғоят муҳим партиявий, давлат ва умумхалқ иши эканлигини уқтириб ўтдилар.**

Завод ва фабрикаларнинг қизил бурчакларида, қурилиш майдонларида, дала шийпонлари ва чорвачилик фермаларида, муассасалар ва ўқув юртларида, маҳалла клублари ва ёзги агитмайдонларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, шунингдек ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг аъзолари, совет, комсомол, касаба союз органларининг, хўжалик ва идеологик ташкилотларнинг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари лекциялар ўқидилар ва докладлар қилдилар, кўплаб саволларга жавоб қайтардилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан ҳамда ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгашида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни рўёбга чиқариш соҳасида республикада авж олдириб юборилган кўп томонлама ишлар тўғрисида гапириб бердилар. Йигит ва қизларни коммунистик қурилиш ишига чексиз садоқат, совет ватанпарварлиги, юксак даражадаги граждан етуклиги, ҳалоллик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни такомиллаштириш — партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини муваффақиятли бажаришнинг муҳим шарти эканлиги таъкидланди.

Комсомоллар ва ёшлар билан ишлашнинг форма ва методларини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат қилиши, ўқиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароит яратиш тўғрисида ҳали ҳамма жойда етарли даражада ғамхўрлик қилинмаётганлиги айтиб ўтилди. Суҳбатлар ва нутқларда йигит ва қизларни жамоат ишлаб чиқаришига актив жалб этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапирилди. Пахта теримини муваффақиятли ўтказишга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга комсомол ва ёшларни сафарбар этишга алоҳида эътибор берилди.

Меҳнат коллективларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари сўзга чиқдилар. (ЎзТАГ).

# МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1984 йил 21 сентябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Фарғона области.** Бу область пахта тайёрлаш планини 19,18 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Андижон области.** Бу область пахта тайёрлаш планини 15,79 процент бажарган. Бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Фарғона областининг Ленинград райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 28,45 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Андижон областининг Ленин райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 26,25 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Фарғона областининг Кўрик Ёзёвон райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини 19,77 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Бухоро областининг Ғиждувон райони.** Бу район пахта тайёрлаш планини ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда 24,03 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Фарғона область Ленинград районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхоз.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 28,84 процент бажарган. Бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Навоий область Навоий районидаги 1-қўриқ совхози.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини 25 процент бажарган. Бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Сурхондарё область Ангор районидаги «Талимарон» совхози.** Бу совхоз пахта тайёрлаш планини ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда 10,89 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Фарғона область Ленинград районидаги Энгельс номли колхоз.** Бу колхоз пахта тайёрлаш планини 50,11 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган;

**Наманган область Чортоқ районидаги «Москва» колхози.** Бу колхоз пахта тайёрлаш планини ингичка толали пахтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда 30,48 процент бажарган, бутун пахта биринчи сортга қабул қилинган.

60

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ВАХТАСИДА

# ТЕРИМДА ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ БЎЛСИН!



Танишинг: Иштихон районидаги «Октябрь» колхозининг чевар теримчиси Зайнаб Розиқова. У терган «оқ олтин» бир ярим тоннадан ошиб кетди.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

## „Оқ олтин" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 2,21 | 19,18 | 0,01 | 0,01 |
| Андижон | 1,91 | 15,79 | 0,07 | 0,13 |
| Бухоро | 1,53 | 13,87 | 0,07 | 0,20 |
| Сурхондарё | 1,50 | 11,36 | 0,47 | 1,01 |
| Наманган | 1,54 | 10,86 | 0,09 | 0,18 |
| Навоий | 1,15 | 10,73 | — | — |
| Қашқадарё | 0,91 | 7,40 | 0,02 | 0,02 |
| Самарқанд | 1,19 | 7,37 | 0,01 | 0,01 |
| Хоразм | 1,13 | 5,49 | 0,01 | 0,02 |
| Тошкент | 1,13 | 5,35 | 0,69 | 1,46 |
| ҚҚАССР | 0,62 | 3,82 | 0,01 | 0,01 |
| Сирдарё | 0,27 | 1,51 | — | — |
| Жиззах | 0,18 | 0,83 | 0,03 | 0,06 |
| Республика бўйича: | 1,23 | 9,25 | 0,13 | 0,27 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Наманган | 2,00 | 13,36 | — | — |
| Сурхондарё | 1,23 | 11,98 | 0,85 | 0,85 |
| Навоий | 1,42 | 8,42 | — | — |
| Бухоро | 1,40 | 7,58 | — | — |
| Қашқадарё | 0,76 | 3,42 | — | — |
| Республика бўйича: | 1,11 | 8,98 | 0,44 | 0,44 |

## ЗАРБДОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

● **Оқолтин районида йиғим-терим суръати тобора оширилмоқда. Район миришкорлари 20 сентябрь куни далалардан 100 тонна «оқ олтин» териб олишга эришдилар.**

Меҳнат беллашувида Усмон Юсупов номли, «Фарғона», СССР 60 йиллиги номли совхозларнинг пахтакорлари олдинда боришяпти. Шу совхозларнинг пешқадам теримчилари — Муҳаббат Сафарова, Дилором Омонова ва Дилбар Худойназаровалар кунига 130—140 килограммдан дурдона теришаётир.

● **Ғиждувон районида ҳам йиғим-терим кун сайин авж олдирилмоқда. Бу ерда кунига қабул пунктларига 1000—1100 тонна пахта топшириляпти. Бу йиллик планнинг 1,7—1,8 процентига тенгдир.** Карл Маркс номли, «Зарафшон», Ҳамид Олимжон номли колхозларнинг азаматлари 2—2,5 процентдан пахта тайёрлашмоқда. **Ўтган куни Ҳамид Олимжон номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нуъмон Нажмиддинов бошлиқ бригадаси заршунослари планнинг 5 процентига тенг дурдона тайёрладилар.** Кунига ўз агрегатлари бункеридан 6—6,5 тоннадан «оқ олтин» бўшатаётган ака-ука Аҳрор ва Акбар Тоҳировлар бригада хирмонига муносиб улуш қўшмоқдалар.

## РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА 21 СЕНТЯБРГА ҚАДАР 1025,6 МИНГ ГЕКТАР ЕРДАГИ ҒЎЗА ДЕФОЛИАЦИЯДАН ЧИҚАРИЛДИ. БУ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 65 ПРОЦЕНТИГА ТЕНГДИР.**

**Дефолиацияни уюшқоқлик билан ўтказишда Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё областлари, Қорақалпоғистон АССР механизаторлари ва авиаторлари илғорлик қилишяпти.**

**Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд областларида эса бу муҳим агротехник тадбирлар суръати ҳамон суст. Бу областларда бир кунда дефолиация қилиниши лозим бўлган майдонларнинг 3,7—5,9 процентигина ишловдан чиқарилмоқда. Қашқадарё областида мавжуд 678 пуркагичдан 33 таси, 69 самолётдан 61 таси ишлатилмоқда. 20 сентябрда Самарқанд областида 214 ер усти аппаратлари ва 6 та самолёт ишламади. Бу ҳол мазкур областларда дефолиацияни ўз вақтида ўтказишга етарли эътибор берилмаётганлиги, ишни оқилона ташкил этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш қониқарсиз аҳволдалигини кўрсатмоқда. Дефолиация муддатини кечиктириб юбориш йиғим-терим суръатининг пасайишига олиб келиши мумкин.**

**МЕХАНИЗАТОР ВА АВИАТОРЛАР! Барча имкониятларни ишга солиб, ғўза баргини тўктиришни қисқа муддатларда тугаллашга эришайлик. Шу йўл билан «зангори кема»ларнинг тўхтовсиз, унумли ишлашига имконият яратайлик.**

### МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

● **Уйчи районидаги «Қизил равот» совхозининг Усмонжон Тўрахонов бошлиқ бригадаси коллективи қабул пунктларига 200 тонна юқори сифатли хом ашё топшириб, йиллик планни бажарди.** 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Пешқадам бригада аъзолари яна 60 тонна пахта териб топшириш мажбуриятини олдилар.

● **Москва районидаги Охунбобоев номли колхознинг Нормамат Ҳакимов бошлиқ оилавий звеноси ғалаба рапортига имзо чекди.** 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортларга сотилди. Оила аъзоларининг марраси ҳосилдорликни 50 центнерга етказишдан иборат.

● **«Қизил юлдуз» колхозининг Алиқул Бўриев бошлиқ оилавий звеноси Шаҳрисабз районида биринчилардан бўлиб зафар маррасини эгаллади.** Ҳар гектар ердан 36,1 центнердан дурдона териб топширган азаматлар **бу кўр**саткични 45 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

## ХИРМОНГА БАРАКА

● **Вобкент районидаги Ильичнинг 100 йиллиги номли колхознинг Норбиби Сафарова бошлиқ беш кишидан иборат оилавий звеноси кунига хирмонга 550—600 килограммдан «оқ олтин» тўкишга муяссар бўляпти.** Мавсумда 40 тонна пахта териш мажбуриятини олган звено аъзоларининг ҳозиргача уйган хирмони 10 тоннадан ошиб кетди.

● **Навбаҳор районидаги Ленин номли колхоз марказида пенсионерлар Икром ака, Инобат опа ва уларнинг қизи Малоҳатлар шарафига Меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди.** Оилавий теримчилар кунига 200—250 килограммдан «оқ олтин» теришмоқда.

## Дефолиация қандай бормоқда?

**Республика областларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 21 сентябрга бўлган**

**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| ТОШКЕНТ | — | 121,0 |
| ЖИЗЗАХ | 8,4 | 110,4 |
| ҚҚАССР | 10,8 | 93,3 |
| Сирдарё | 6,5 | 91,7 |
| Сурхондарё | 9,7 | 65,7 |
| Андижон | 5,6 | 62,6 |
| Хоразм | 8,8 | 53,8 |
| Бухоро | 6,4 | 53,0 |
| Наманган | 8,7 | 50,4 |
| Навоий | 7,6 | 37,8 |
| Самарқанд | 5,9 | 34,8 |
| Қашқадарё | 5,2 | 20,8 |
| Фарғона | 3,7 | 20,4 |
| Республика бўйича: | 6,5 | 65,0 |

## ЭНЕРГЕТИКЛАРГА МУКОФОТЛАР

21 сентябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида энергетиклардан катта бир группасига Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. Энергетиклар социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганликлари, кўп йил самарали ишлаганликлари, жамоат ҳаётида актив иштирок этаётганликлари учун ҳамда республика энергетика системасининг 50 йиллиги муносабати билан шу мукофотларга сазовор бўлдилар. (ЎзТАГ).

# Оталарча меҳрибонлик

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг корхоналари ва ташкилотларида икки юз эллик номдан кўпроқ халқ истеъмоли моллари, кўплаб бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Кўзи ожиз кишилар тўғрисида Коммунистик партия билан Совет давлати оталарча ғамхўрлик қилмоқда, улар фаровон ҳаёт кечирмоқдалар, билим олмоқдалар, танлаган касбларида меҳнат қилмоқдалар, халқ хўжалик планларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 21 сентябрь куни ўз ишини тамомлаган X съездида ўтган тўрт йил мобайнида қилинган иш якунлари ва келажакдаги вазифалар муҳокама этилди.

Сўзга чиққан кишилар ўтган йиллар мобайнида жамиятнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлигини таъкидладилар. Бу эса белгиланган планларни муваффақиятли бажариш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берди. Нотиқлар ишчиларнинг меҳнат шароитларини ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қанча таклифлар киритдилар. Съезд делегатлари кўзи ожизларнинг фаровонлиги тўғрисида партия ва давлат қилаётган ғамхўрликка жавобан жамият аъзолари шу йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Съезд жамият раҳбар органларининг янги составини сайлади. Қ. П. Примқулов яна правление раиси этиб сайланди.

Съездда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

